

ЭКОЭТИК ТАФАККУР АСОСИДА ЭКОЛОГИК МАСЪУЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Алимардон Абдусаломович АБУРАХМОНОВ

Тадқиқотчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада ижтимоий муносабатлар тизимида экологик масъулиятни ривожлантиришнинг фалсафий жиҳатлари, табиат ва атроф-муҳитни асрашда экоэтик тафаккурнинг ўрни, глобал экологик муаммоларни бартараф этишдаги самарадорлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: экологик фаоллик, экологик фаолият, ижтимоий масъулият, экологик масъулият, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий онг, экологик вазифа, бурч ва мажбурият.

ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НА ОСНОВЕ ЭКОЭТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Алимардон Абдусаломович АБУРАХМОНОВ

Исследователь

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются философские аспекты формирования экологической ответственности в системе общественных отношений, роль экологического мышления в сохранении природы и окружающей среды, эффективный анализ глобальных экологических проблем.

Ключевые слова: экологический активизм, экологическая деятельность, социальная ответственность, экологическая ответственность, общественные отношения, общественное сознание, экологическая задача, долг и обязанность.

Бугунги кунда экологик ахлоқий дунёқарашни шакллантириш масалалари долзарблик касб этмоқда. Экологик ахлоқий муносабатлар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий муносабатларнинг энг қадимгиларидан бири ҳисобланади. Экологик эҳтиёжларни инстинктив англаш натижасида вужудга келган ибтидоий содда ахлоқ нормалари ҳам, ўз даврида, экологик фаолиятни ташкил қилиб, бошқаришнинг нисбатан турғун, доминантлашган ижтимоий онг шакли тарзида намоён бўлган. Бошқача айтганда, омманинг экологик ахлоқий нормалари, амалий хатти-ҳаракатлари стихияли, механистик тарзда вужудга келмайди, аксинча, тарихий заруриятнинг

англанган объектив ҳолатидан келиб чиқади. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини регуляция қилувчи ахлоқий қадриятларни мутлақлаштириш, маънавий фаолиятнинг бошқа шакллари билан аралаштириб юбориш назарий жиҳатдан ғализдир. Зеро, экологик ахлоқий қадриятлар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг субъектив омили, асоси бўлса ҳам, экологик жиҳатдан мустақил, деган хулосага олиб келмаслиги керак.

Фалсафий адабиётларда ахлоқнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий онг шакллари ҳамда устқурма элементлари билан боғлиқлиги нисбатан мукаммал ёритилган бўлсада, унинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишдаги аксиологик функциялари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Ваҳоланки, табиатни муҳофаза қилиш кишилар ва ижтимоий бирликлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини ташкил қилади. Кишиларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий дунёқарашлари мажмуаси, уларнинг табиатга ахлоқий муносабатларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлади. Экология тарихининг маънавий-моддий мероси, табиатни муҳофаза қилишнинг амалдаги мавжуд ахлоқий нормалари, қадриятларининг ривожланишига асос бўлган. Шунинг учун турли мамлакатлардаги экологик ахлоқий қадриятлар тарихини танқидий ўрганиш ва ижодий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, “табиатдан фойдаланишнинг ривожланишини таҳлил қилишга тарихийлик призмаси орқали ёндашилгандагина, унга жамиятнинг моддий ва маънавий шарт-шароитлари таъсирини аниқлаш билан ҳозирги экологик муаммоларни тўғри баҳолаш мумкин” [5;25]. Дарҳақиқат, экологик вазиятни кескинлаштирувчи сабабларни, хусусан, жамият маънавий-ахлоқий “қашшоқланиш” хусусиятларини ретроспектив планда, тизимли-тузилмали ўрганиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Бунда, экологик ахлоқий қадриятни шакллантиришнинг асосий вазифаси, фақатгина мужассамлашган экологик ахлоқ назарияларини, тарихий тажрибаларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан баҳолаш, ундан тегишли хулосалар чиқаришга ўргатишдан иборат

эмас. Шунингдек, ўтмишнинг назария даражасига кўтарилмаган оддий, кундалик урф-одатлари, анъаналарининг функционал фаолиятини ҳам ўрганиш зарур.

“Универсал этикани” экологик фаолият билан боғлашга ҳаракат қилган неоантропоцентризм оқимининг йирик намояндаси А.Швейцер, унинг универсал тамойилларини, илмий асосларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. Экологик масъулиятни теологик ахлоқ принциплари билан асослашдан фарқли ўлароқ, А.Швейцер фикрича, “экологик этика” ўзининг “геоцентрик” мазмуни билан фарқ қилади.

Бошқа бир олимлар Е.В.Станис ва Л.Я.Станисларнинг фикрига кўра, рационализм, мантик, фан, техника Европа цивилизацияси динамизмини белгилайдиган бош йўналиш бўлса, Шарқ цивилизациясига мифология, эътиқод, инсоннинг космос билан бевосита алоқаси, фикрнинг минг йиллар давомидаги айнийлиги хосдир [11;23].

Жаҳон умумий цивилизациясининг генезиси, ўчоқлари “кўчиб юриш” тенденциясига эга бўлиб, хронологик жиҳатдан, кетма-кетлиги, ворислик муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ахлоқнинг экологик масъулиятга таъсир йўналишлари, механизмлари, макон ва замон перманентлиги етарли даражада ўрганилган эмас. Бу масаланинг мураккаблиги шундаки, экологик масъулиятнинг турли босқичларида ахлоқийликнинг “сифат даражалари” турлича намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида, ахлоқ ички тузилмавий элементларининг экологик масъулиятга таъсиридаги “бевоситалик” ва “билвоситалик” ғоят нисбий характерга эга.

Инсониятнинг табиатга антропотехноген таъсири жараёнида ахлоқнинг икки жиҳати кўзга ташланади. Биринчидан, инсон табиатни ўзининг муайян манфаатлари, эҳтиёжларига кўра, ўзлаштириши орқали ўз ижтимоий-ахлоқий моҳиятини намоён қилади. Иккинчидан, инсон табиатни ўзгартириб, уни “ижтимоийлаштириши” билан ахлоқий муносабатларни ҳам такомиллаштириб боради. Унинг табиатга ахлоқий муносабатидан

қаноатланиш ҳисси, ўзининг бир лаҳзалик инстинктив эҳтиёжларини кондиритдан иборат эмас [1;12]. Аксинча, унинг экологик фаоллигини таъминлайдиган универсал ахлоқий нормалар ва тамойиллар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тараққиёт даражаларига мос равишда ривожланиб, турли хил кўринишларга эга бўлади.

Табиат ва инсон муносабатлари муқаррар равишда, ахлоқий муносабатларга асосланган. Чунки, бу мажмуанинг ўрта бўғини – табиат-жамиятнинг яшаш шарти бўлса, инсон биологик организм сифатида, табиат эволюцион ривожланишининг ҳам қонуний маҳсули ва унинг ажралмас таркибий қисмидир. Шу нуқтаи назардан, табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабат, бир вақтнинг ўзида, инсониятга бўлган шафқатсизлик ва ижтимоий ёвузликка олиб борадиган ғайриинсоний ахлоқсизлик намунасидир. Антиэкологик ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар ўз мазмунига кўра, шахс “ижтимоий патологияси ва анамологияси” билан характерланади. Шунга кўра, табиат ва инсон муносабатлари тизимида кишиларнинг экологик масъулияти муаммосига, “экологиялашган этика” категориялари асосида ёндашиш керак. Албатта, бу ҳолатда инсон томонидан табиатни ўзгартириш фаолиятларини ахлоқийлик ёки ахлоқсизлик тарзида баҳолаш эмас, балки кишиларнинг табиатни муҳофаза қилиш амалиётига, умуман, биосфера экологик мутаносиблигига ва жамият ривожланиши манфаатларига ижобий ёки салбий таъсир қилиш фаолияти нуқтаи назаридан қараш лозим.

Рим клубининг машҳур намояндаларидан бири бўлган А.Печчеининг таъкидлашича, инсоннинг табиатга нисбатан ёвузлик муносабатларини бартараф қилиш ва унинг ҳимоячисига айлантиришда ахлоқни кучайтириш, ўзига хос “экологик этикани” яратиш – экологик муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўлидир [8;214]. Бу тарздаги илмий қарашлар умумлашиб, фундаментал экоэтика концепцияси даражасига чиқмаган бўлсада, аммо, улар ўзига хос йўналишларни ифодалаб турибди. Энг муҳими, у тор доирадаги рационал-утилитар қарашларнинг йиғиндиси эмас. Чунки,

экологик фаолиятда анъанавий утилитаризм – инсон мавжудлигининг табиий асосларини чегараланган манфаатлар доирасида тушунади.

Ҳозирги даврга келиб, экологик ахлоқий нормаларнинг юксак идеаллари, табиатга муносабатнинг янги ахлоқий мезонлари таркиб топмоқда. Умуминсоний экологик қадриятларнинг ахлоқий жиҳатлари сиёсат, иқтисод ва мафкура соҳасидаги муносабатларни белгиловчи омилга айланмоқда, яъни экологик идеалларнинг ахлоқий мазмуни бошқа ижтимоий онг шакллари кенгроқ миқёсда қамраб олмоқда.

Инсоният цивилизациясининг маънавий йўналишлари экологик муаммолар доирасида ички бирликни ташкил қилиб, уларнинг ҳуқуқий, маъмурий йўналишлари интеграциялашиб, уларнинг функциясида умуминсоний ахлоқий нормалар устиворлашиб, ахлоқий қадрият нормалари, принциплари инсон экологик фаолияти регуляциясининг асосий омилига айланади. Табиат ва инсон муносабатлари бошқаришдаги ижтимоий-сиёсий устқурма элементларидан фарқли ўлароқ, ахлоқий-маънавий қадриятлар – кишиларнинг иродасига таянадиган, “субъективлашган” фаолият ҳисобланади. Экологик масъулиятнинг объектив қонуниятлари субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун, экологик фаолиятни кишиларнинг субъектив интилишларидан, ирода эркинлигидан, уларнинг ижтимоий-маънавий саъй-ҳаракатларидан ташқарида тушуниш мумкин эмас. Зеро, экологик масъулият жамиятнинг эҳтиёжларини ўзида намоён қилиши билан объективлик ва субъективликнинг диалектик бирлигидан иборат.

Экологик қадрият нормалари ва тамойиллари мажмуасининг англланган зарурияти – ахлоқий “экологик кодекс” муштараклигини белгилаб туради. Айниқса, экологик вазият кескинлашаётган даврда, инсон ва табиат муносабатларини бошқариш, “экологик этика кодекси”га амал қилинишини тақозо қилади. Тадқиқотчи олим Ф.С.Худушиннинг фикрига кўра, “экологик этика кодекси” – инсониятнинг биосфера хилма-хил бойликлари бўлган ерга, сувга ва унинг бошқа компонентларига муносабатларини белгиловчи

“ёзилмаган” қонунлар мажмуасидир. Бу қонунларнинг амалга оширилиши муҳим амалий мақсадларни: сайёра тозаллигини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқаришни таъминлаш вазифаларини бажаришга таъсир ўтказади [13;5].

Хулоса қилганда, экологик ахлоқий қадриятлар ижтимоийликнинг табиатдан ажратилган мустақил, мавҳум моҳияти эмас, аксинча, у инсониятнинг табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг тарихий ривожланиши шаклларига мос келади. Бироқ, жамиятнинг экологик ахлоқий қадриятлари, табиатни муҳофаза қилиш амалий хатти-ҳаракатларининг, йўналишларини, истиқболларини қатъий, конкрет тарзда белгилаб бера олмайди. Улар, нари борганда биринчидан, ижтимоий нормалар сифатида, табиат муҳофазаси тадбирларини схематик тарзда аниқланиши билан экологик зиддиятларни бартараф қилишнинг умумий йўналишларини кўрсатиши мумкин. Иккинчидан, ижтимоий-экологик қадриятлар шахснинг табиат муҳофазаси соҳасидаги хатти-ҳаракатларини ва йўналишларини ўз-ўзидан бошқарадиган омил бўла олмайди, балки инсон экологик фаолиятининг конкрет вазиятларида, у қандай асосий вазифаларни ҳал қилаётганлигига боғлиқ. Албатта, ҳар қандай жамият учун, инсонларнинг табиатга нисбатан муносабатларининг характери аҳамиятсиз эмас, аксинча, унинг табиатни муҳофаза қилиш масъулиятини аксиологик мезонлар асосида баҳолаш ҳамда бошқариш механизмига айланади. Экологик масъулиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида ҳуқуқий нормаларга “бўйсунмайдиган”, табиатга салбий муносабатларни одил баҳолаш, мезонларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, антиэкологик хатти-ҳаракатларни ахлоқий нормалар асосида баҳолаш билан ҳуқуқий, маъмурий чора-тадбирларнинг мажмуавийлигини ва самарадорлигини таъминлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахиезер А.С. Россия как большое общество //Вопросы философии, 1993. – № 1. – С.113
2. Батурин Ф.А. Социальная активность трудящихся: суицидность и управление. – Москва.: Наука. 1999. – 187 с.
3. Комаров В.Д. Социальная экология. Философские аспекты. – Москва: Наука, 2013. – С. 133-134.
4. Коммонер Б. Замыкающийся круг. Природа, человек, технология. – Москва: Наука, 1974. – 179 с.
5. Лаптев И.Д. Экологические проблемы: социально-политические аспекты. – Москва: Мысль, 1982. – 132 с.
6. Маркович Д.Ж. Социальная экология: книга для учителя. – Москва: Просвещение 1991. – 112 с.
7. Панкова Л.Н. Методологические основания альтернативных движений: Традиции и инновации //Экология, культура, образование, 2014. –С. 226-231.
8. Печчеи А. Человеческие качества. – Москва: Прогресс. 2014. – 214 с.
9. Сперанский В.И. Социальная ответственность личности: суицидность и особенности формирования. – Москва: МГУ, 1987. – 137 с.
10. Сколимовский Х. Философия техники как философия человека. Новая технократическая война на Западе. – Москва, 1986.
11. Станис Е.В., Станис Л.Я. Мировое духовное “пространство” – условие высшивания человечества //В кн.: История. Культура. Цивилизация. – Москва, 1991.
12. Тоффлер О. Раса, власть, культура // Новая технократическая война на Западе. – Москва, 2011. – 280 с.
13. Худушин Ф.С. Природа и мораль. – Москва: Знание, 2004. – 155 с.